

**Хурматли «Микрокредитбанк»**  
**акциядорлик–тижорат банкининг мижозлари!**

«Микрокредитбанк» акциядорлик–тижорат банки янги хизмат тури «SMS-Банк» ни сизга таклиф этади.

«SMS-Банк» - уяли телефоннинг SMS – хабар алмашуви асосида масофада туриб банк мижозларига хизмат кўрсатиш тадбирларини бажарадиган янги, замонавий технологиядир. Ушбу технология орқали барча юридик ва ноюридик шахсларга банк хизматини кўрсатади.

«SMS-Банк» орқали қуйидаги операцияларни бажариш мумкин

- Ҳисоб рақамларнинг қолдиғи ҳақидаги маълумотни мижознинг мобил телефонларига SMS кўринишида юбориш;
- Мижознинг ҳисоб рақамларига тушган маблағлар ҳақида автоматик хабар бериш;
- Ҳисоб рақамларда бажарилган охириги операция ҳақида маълумот;
- Банк томонидан мижозларга бериладиган хабарларни жўнатиш.

Ушбу хизмат тури иш куни, байрам ва дам олиш кунлари ҳам сутка давомида мижозлар ўзларининг SMSларига жавоб олишлари мумкин. Мижозларни ҳисоб рақамига тушган маблағлар ҳақида SMS хабари 10-15 секунд ичида юборилади.

“SMS-Банк” технологиясидан фойдаланаётган мижозлар банкга бир ойда **5 АҚШ доллари** тўлашлари лозим (Марказий Банк томонидан ўрнатилган курс бўйича сўмда тўланади). Агар мижознинг бир нечта (20200 ёки 22624 баланс рақамида) ҳисоб рақами бўлса, **хар бир қўшимча ҳисоб рақам бўйича SMS** орқали маълумот олиш учун **5 АҚШ доллари** тўлаш лозим.

**«SMS-Банк»да масофадан банк хизматларини кўрсатишда мижозларга бўладиган қулайликлар.**

**Тезкорлик** - «SMS-Банк»га эга бўлганингиздан сўнг, уяли телефонингиз орқали банкдаги ҳисоб рақамингизни қолдиғини билишингиз ва бошқа банк хизмат турларини амалга оширишингиз мумкин бўлади, ҳисоб рақамларингиздаги ўзгаришларни 10-15 секунд ичида банкга бормасдан туриб, уяли алоқангиз орқали олиш имконияти туғилади.

**Қулайлик** - «SMS-Банк» орқали ўзингизнинг мобил телефонингиздан банкдаги ҳисоб рақамларингиз ҳақида маълумотни тўғридан-тўғри олишингиз мумкин. Шу билан бирга, сизнинг хошиш истагингизга кўра бир неча мобил телефонларидан ушбу хизмат туридан фойдаланиш имконияти бор. Бунинг учун уяли телефонларига ҳеч қандай дастурий таъминот ва ўзгартиришлар талаб этилмайди.